

# Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойдан чиқа бошлаган • @uzssgz, uzss@yandex.ru • 2021 йил 4 июнь • №21 (1353)

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### АҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Гематология ва онкология йўналишларида амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттириш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, кўлами ва самарадорлигини ошириш, беморлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш ҳамда уларни зарур дори воситалари билан узлуксиз таъминлаш, шифохоналарни замонавий диагностика лабораториялари ва тиббий техникалар билан жиҳозлаш мақсадида:

1. Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларига оператив бошқарув ҳукуқи асосида бепул жойлаштирилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Хаджибаев):

Курилиш вазирлиги (Б.Зокиров) ва Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда 2021 йил 1 сентябрга қадар янги биноларни замонавий талаблар асосида, хусусан, уларда катталар ва болалар учун алоҳида жарроҳлик, жонлангириш, интенсив терапия, трансфу-

зиология ва трансплантология бўлимлари, шунингдек, радио диагностика ва радио даволаш бўлимлари, бактериологик лаборатория, махсус овқат тайёрлаш бўлиминини, болаларга таълим олиш имкониятини яратишни назарда тутган ҳолда қуриш ишлари олиб борилиши ва тиббий техникалар билан жиҳозланишини таъминласин;

Молия вазирлиги (Т.Ишметов) билан биргаликда Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази янги биноларга жойлаштирилаётганлигини инобатга олган ҳолда унинг тузилмаси, штатлар жадва-

ли ва харажатлар сметасини қайта кўриб чиқиб, тасдиқласин.

2. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузурида Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

Белгилансинки:

2022 йил 1 январдан бошлаб Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт маркази таркибидан чиқарилиб, мустақил марказ сифатида фаолият юритади;

Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Арнасой кўчасида янги барпо этилган тиббиёт муассасаси биноларидан бирига оператив бошқарув ҳукуқи асосида бепул жойлаштирилади;

2021-2022 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг болалар гематологияси бўлими негизида умумий штатлар ва стационар ўринлар доирасида Болалар гематологияси ва онкологияси бўлимлари ташкил этилади.

3. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.Артиқходжаев), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У.Собиров), Молия вазирлиги (Т.Ишметов) ва Курилиш вазирлиги (Б.Зокиров) 2021 йил 1 сентябрга қадар Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази учун Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг бўш турган худудида замонавий янги бино-ишоотлар комплексини қуриш ва жиҳозлаш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин.

► (Давоми 2 ва 3-бетларда)

## Ҳамкорлик ришталари

### ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИГА БЕРИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Ўтган ҳафта мамлакатимизда Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегациясининг ташрифи бўлиб ўтди. Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко бошчилигидаги делегация таркибидан ушбу давлат вазирлиги вакиллари, шунингдек, академик В.И. Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббиёт илмий-тадқиқот маркази директори Сергей Готье ва Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университети ректори Сергей Лукьянов каби юқори даражадаги мутахассислар иштирок этишди.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатлар юқори даражада бўлиб, ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятлар самарали кечиб келмоқда. Маълумки, 2017 йилнинг апрель ойида мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерациясига давлат ташрифи билан борган эди. Унда олий даражадаги музокаралар чоғида икки томонлама муносабатларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинганди. Ташриф давомида ҳукуматлараро, идоралараро ва корпоратив ҳужжатлар тўплами имзоланганди. 2018 йилнинг октябрь ойида эса Россия Федерацияси Пре-

зидент Владимир Путин давлат ташрифи билан мамлакатимизга келганди. Жорий йилнинг март ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаевнинг Россия Федерациясига ташрифи икки мамлакат ўртасида соғлиқни сақлашнинг қатор йўналишларида ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, трансплантация соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Шу билан бирга, имзоланган ҳамкорлик шартномалари доирасида ҳозирда академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиб-



биёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган нефрология ҳамда буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази тиббиёт ходимлари Россиянинг академик В.И. Шумаков номидаги трансплантология ва сунъий органлар миллий тиббиёт илмий-тадқиқот марказида малака оширишни бошлашди. Айтиш лозимки, Россия

Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегациясининг ташрифи тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича келишувларни самарали бажаришни давом эттириш мақсадида амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазири Михаил Мурашко бошчилигида-

ги делегацияни қабул қилди. Вазир Абдуҳаким Хаджибаев делегация аъзоларини юртимизга ташриф буюргани билан самимий қутлади. COVID-19 пандемияси пайтида мамлакатлар ўртасидаги алоқалар муваффақиятли синовдан ўтганлигини таъкидлади.

► (Давоми 4 ва 5-бетларда)





Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИАҲОЛИГА ГЕМАТОЛОГИЯ ВА ОНКОЛОГИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ  
КЎРСАТИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ  
ТЎҒРИСИДА

► (Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда)

16. Гематологик, онкологик ва ирсий иммунологик касалликларга чалинган фуқароларга кўрсатилаётган тиббий хизматлар самардорлиги ва сифатини ошириш мақсадида беморларнинг электрон рўйхатини юритиш тизими жорий этилсин.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги (А.Азизов) Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (О.Пекосъ) билан биргаликда 2021 йил якунига қадар беморларнинг электрон рўйхатини, жумладан, унда гематологик ва онкологик беморлар рўйхатини шакллантириш, уларнинг электрон тиббий карталарини юритиш ва беморларни даволаш жараёнларини кузатиш имкониятлари яратилишини назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин.

17. Гематология ва онкология хизматларини янада ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги (У. Собиров):

а) икки ой муддатда: гематология ва онкология касалликларини даволашда фойдаланиладиган дори воситалари рўйхатини, уларнинг самардорлигини ҳисобга олган ҳолда, қайта кўриб чиқсин ва ҳар йили янгиллаб борсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

б) уч ой муддатда Ички ишлар ва-

зирлиги (П.Бобожонов), Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги (С.Кариев) билан биргаликда онкологик беморларнинг даволаб бўлмайдиган босқичида уларга наркотик ва психотроп воситаларни буюриш тартибини соддалаштириш, шунингдек, оғриқ қолдирувчи наркотик ноинъекцион воситаларни амалиётга татбиқ этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

в) 2022 йил 1 мартга қадар катталар ва болаларда гематологик, онкологик ва иммунологик касалликларни ташхиллаш, даволаш ҳамда беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш стандартлари ва клиник протоколларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқсин.

19. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил этишга шахсий жавобгар этиб

соғлиқни сақлаш вазири А.М.Хаджибаев ва унинг ўринбосари У.Ю.Собиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Б.М.Мусаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Л.Н.Тўйчиев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бериб борилсин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. Мирзиёев  
Тошкент шаҳри,  
2021 йил 27 май

## Халқаро муносабатлар

## ҲАМКОРЛИКНИНГ НУРЛИ МАНЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев бошчилигидаги делегация Жанубий Кореяда бўлиб турибди



Ташрифдан кўзланган мақсад — саратон касаллигини даволаш бўйича Жанубий Кореянинг энг илғор амалиётларини ўрганиш, ушбу мамлакатдаги шериклар билан соғлиқни сақлаш соҳасида ҳамкорликни мустақамлаш бўйича музокаралар ўтказиш, шунингдек, махсус саратон шифохоналари ва марказларини қуриш юзасидан тажриба алмашишдан иборат. Ўзбекистон делегацияси «Osong Bio-Valley» лойиҳасини амалга оширувчи «Osong» жамғармаси фаолияти билан танишди. Жамғарма раҳбари Ча Санг Хун билан учрашувда «Tashkent Pharma Park» ва «Osong Bio-Valley» фармацевтика кластерлари ўртасида тажриба алмашиш ва технологиялар, қўшма тадқиқотлар, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, замонавий бошқарув усулларини жорий этиш, санат ишлаб чиқаришини яратиш соҳаларида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди. Томонлар Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тегишли ташкилотлар билан яқин ва узоқ муддатли ҳамкорликни йўлга қўйишга тайёр эканликларини билдирди. Музокаралар натижасида ҳамкор-

ликка оид икки томонлама ҳужжатни имкон қадар тез муддатда ишлаб чиқиш, ўзбекистонлик мутахассис ҳамда менежерларни малака ошириш ва тажриба алмашиш учун «Osong» фондига таклиф этиш, шунингдек, «Tashkent Pharma Park» фармацевтика кластерининг Тошкент вилоятидаги филиали фаолиятини Жанубий Корея мезонларига мувофиқ ҳолда ташкил этиш юзасидан ўзаро келишувга эришилди.

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев бошчилигидаги делегация Жанубий Кореяга ташрифи давомида Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири Квон Док Чоль билан учрашди. Ўзбекистоннинг Сеулдаги элчихонасидан маълум қилишларича, томонлар соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашиб, бу борадаги алоқаларни янада мустақамлашнинг устувор йўналишларини белгилаб олди. Эслатиб ўтаемиз, Ўзбекистон делегацияси онкологик касалликларни даволашга ихтисослашган шифохоналарни қуриш бўйича Жанубий Корея тажрибаси ва технологияларини ўрганиш мақсадида ушбу мамлакатга



келди. Тошкент шаҳрида касаллик даражаси юқори бўлган саратон хасталикларини даволаш ва фаолият кўрсатишга ихтисослаштирилган шифохонани қуриш режалаштирилмоқда. Музокаралар чоғида ихтисослашган саратон шифохоналарини бошқариш ва қуриш юзасидан фикр алмашилди. Корея Республикаси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазири 2021 йилда икки мамлакат ўртасида соғлиқни сақлаш соҳасида ўзаро англашув ва ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланганига 10 йил тўлишини маълум қилди.

Ўзбекистон томонининг онкологик касалликлар шифохоналарини қуришда Жанубий Корея экспертлари ва етакчи компанияларининг иштирокнинг муҳимлиги ҳақидаги таклифига жавоб берар экан, Квон Док Чоль Корея Республикаси ҳукуматининг онкологик шифохоналарни яратиш бўйича «ноу-хау»ларидан фойдаланиш орқали Ўзбекистон халқининг саломатлигини яхшилашга ҳисса қўйиш имконига эга бўлишдан хурсанд эканини айтди.

Соғлиқни сақлаш вазири Абдуҳаким Хаджибаев бо-

шчилигидаги делегация Корея Республикаси Миллий саратон маркази (КМСМ) президенти Со Хонг Гван билан учрашди. Учрашувда Ўзбекистон Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Корея Республикаси Миллий саратон маркази ўртасида мутахассислар алмашинуви орқали ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма тадқиқотлар ўтказиш, КМСМ Халқаро саратон университетида ўзбекистонлик мутахассисларни тайёрлашни ташкил этиш масалалари муҳокама қилинди. Со Хонг Гван Ўзбекистон томонининг таклифларидан мамнунлигини таъкидлаб, Жанубий Корея томони ҳамкорликни рағбатлантиришга тўлиқ тайёрлигини билдирди. Марказ масъул раҳбарлари саратон маркази клиник-диагностика бўлимлари фаолияти, ўтказилаётган тадқиқотлар, саратон касалликларини эрта аниқлашнинг марказлашган иш тартиби, шунингдек, илғор ускуналар, протон даволаш, саратонга чалинган беморларнинг ташхиллаш ва даволаш бўйича иш жараёни ҳақида батафсил маълумот бер-

ди Шунингдек, Ўзбекистон делегацияси аъзолари Халқаро саратон университети, Протон терапия маркази, Биоматериаллар банки, Биофармацевтик ишлаб чиқариш маркази, 7 турдаги саратонни даволаш маркази, шунингдек, Саратон маркази маъмурияти фаолияти билан яқиндан танишдилар. Музокаралар натижасида томонлар ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоладиган бўлди. Шунингдек, Жанубий Корея Миллий саратон маркази ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар ва узоқ муддатли ҳамкорлик йўлга қўйилади. Бундан ташқари, Халқаро саратон университетида Ўзбекистон тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчиларини онкология соҳасида магистрлик даражасини олиш учун юбориш, шифокорлар ва тиббиёт ходимлари алмашинувини ташкил этиш, Ўзбекистонга Жанубий Кореялик онкологларни жалб этишга келишиб олинди.

Ўзбекистон делегациясининг Жанубий Кореяга ташрифи давом этмоқда.

Манба: «Дунё» АА.

## ЎЗБЕКИСТОН ТИББИЁТИГА



◀(Давоми. Боши 1-бетда)

Ушбу давр мобайнида икки давлатнинг тиббиёт соҳасидаги мутахассислари иштирокида жами 200 дан ортик видеоконференциялар, онлайн консультациялар, масофавий семинарлар, веб-семинарлар ва тренинглар ўтказилганлигига эътибор қаратди.

Мулоқот чоғида, Россия тиббиёт мутахассисларининг мамлакатимизга бир неча бор ташрифлари уюштирилди. Чет эллик мутахассислар ўзларининг ташрифи давомида карантин чораларини юмшатиш бўйича тавсиялар беришди, COVID-19 билан касалланганларни даволаш протоколларига таклифлар ва мулоҳазалар билдиришди, карантин зоналари ва беморларни даволаш учун мўл-

жалланган шифохоналарда бўлишди, шунингдек, юртимизда коронавирус инфекцияси билан курашишга жалб қилинган ходимлар учун онлайн консультациялар ўтказилганлиги айтиб ўтилди. Бугунги кунда бутун дунёда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияда ҳам аҳоли COVID-19 га қарши эмланмоқда. «Спутник V» вакцинасининг биринчи партияси шу йилнинг апрель ойи охирида мамлакатимизга етказиб берилганлиги ҳам алорҳида тилга олинди.

Шунингдек, Россия Федерациясида малакали профессор-ўқитувчилар меҳнати, ўқув дастурларининг турли туманлиги ва иқтидорли талабалар учун стипендия дастурлари мавжудлиги туфайли тиббий таълим

сифати дунёда юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллайди. Шу сабабли, Россия Федерацияси билан барча соҳалар сингари соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди. 2019/2020 ўқув йилида юртимизнинг 9 та тиббиёт олий ўқув юртлари Россия Федерациясининг 12 та тиббиёт олий ўқув юртлари билан биргаликда қўшма таълим дастурларига мувофиқ бакалавриятнинг 6 та йўналиши, магистратуранинг 2 та мутахассислиги ва клиник ординатуранинг 11 та мутахассислиги бўйича ўқитишни бошлади. Тошкент тиббиёт академияси негизда И.М. Сеченов номидаги Биринчи Москва давлат тибби-

ёт университети билан университетларaro ҳамкорлик маркази очилди. 2019-2020 йилларда 150 дан ортик россиялик мутахассислар иштирокида 36 конференция, 19 вебинар, 7 конгресс ташкил қилинди. Фақатгина 2020 йилда Россия Федерациясининг етакчи тиббиёт ва таълим муассасаларидан 80 га яқин мутахассислар юқори технологияли тиббиёт соҳасида маҳорат дарсларини ўтказиш ва намойиш этиш учун мамлакатимизга таклиф қилинди. 2019-2020 йиллар давомида Россия Федерациясининг етакчи клиникалари ва тиббиёт марказлари ҳамда ўқув муассасаларида

300 га яқин мутахассисларимиз малакасини оширди. Учрашув давомида томонлар тиббий таълим, ихтисослаштирилган тиббий ёрдам, онкогематология, жумладан, болалар онкогематологияси хизмати ривожлантириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, санитария-эпидемиологик осойишталик, жамоат саломатлиги каби қатор йўналишларда ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар.

Тиббий таълим, фан ва амалиётни ривожлантириш ва тақомиллаштириш мақсадида Н.И.Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университетининг филиалини ташкил этиш тўғрисида келишувга эришилди.

Учрашув якунида юртимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Бу эса Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

## Делегация аъзолари Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида бўлишди



Юртимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Михаил Мурашко бошчилигидаги делегация аъзолари мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар бўйича олиб борилаётган фаолиятларга эътибор қаратишди.

Делегация аъзолари юртимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги Абдуҳаким Хаджибаев ҳамроҳлигида Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонасида ҳам бўлиб, коронавирусни даволаш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси би-

лан яқиндан танишишди. Маълумки, Зангиота туманидаги юқумли касалликлар шифохонасининг умумий қиймати 504 миллион сўм бўлиб, 33 гектар майдондаги 2 та комплекси ўз ичига олади. Бунда юқумли касалликлар хусусияти ва

замонавий тиббиёт талаблари инобатга олинган. Муассаса 4 минг ўринга мўлжалланган. Реанимация бўлимларида ҳар бир койка сунъий ўпка вентиляцияси ва даволаш аппаратлари билан жиҳозланган. Бу бўлимни кардиология, неврология, педиатрия каби турли йўналишлар бўйича жиҳозлаш ҳам мумкин. Лабораторияда вирусология, биокимё ва иммунология, микробиология, паразитология

бўйича энг илғор аппаратлар ўрнатилган. Масалан, амалдаги полимер занжирли реакция ускунаси 5 соатда ўртача 40 кишига ташхис қўйса, бу ердаги замонавий жиҳозлар 2 соатда 90 та намунани аниқлаш имкониятига эга. Экспресс-тест усулида қондаги антитаначаларни 10 дақиқада аниқлаш имкони яратилган. Полимер занжирли реакциянинг антиген экспресс-тести йўлга қўйилган бўлиб,

5 дақиқада инсонда коронавирус бор ёки йўқлиги аниқланади. Шунингдек, қабул-диагностика бўлимида мультиспирал компьютер ва магнит резонанс томография, рақамли рентген ҳамда замонавий ультратовуш диагностикасини бир вақтнинг ўзида бажариш мумкин. Меҳмонлар Ўзбекистонда қисқа фурсатларда улкан мажмуанинг барпо этилгани таҳсинга лойиқ эканлигини эътироф этишди.

## ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



Ўзбекистонга ташриф буюрган Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Михаил Мурашко бошчилигидаги делегация аъзолари Болалар миллий тиббиёт марказида ҳам бўлишди. Меҳмонлар бу муассасанинг тиббиёт соҳасидаги замонавий талаблар асосида қурилгани, жиҳозлангани ва кадрлар билан таъминланганини эътироф этишди.



● **Хамкорлик ришталари****БЕРИЛГАН ЮКСАК ЭЪТИРОФ****Мамлакатимизда Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университетининг филиали очилади**

Вазир Михаил Мурашко бошчилигидаги Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги делегациясининг мамлакатимизга ташрифи доирасида Ўзбекистонда Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университетининг филиалини очиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Бу борада Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишув имзоланди. Шу сабабли ҳам делегация аъзоларининг навбатдаги ташрифи ушбу филиал учун танланган Чилонзор тиббиёт коллежи биноси бўлди. Маълумки, мамлакатимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Н.И.Пирогов номи-

даги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт университети юқори малакали тиббиёт кадрларини тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва Ўзбекистонда юқори технологик тиббий ёрдам тизимини ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштирмақда. Ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг биринчи босқичи доирасида Тошкент шаҳрида юқорида айтиб ўтилган Россия

университетининг ординатурада (кейинчалик аспирантурада) юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва тиббиёт ходимларига қўшимча касбий таълим бериш бўйича филиалини очиш ҳам режалаштирилган. Юқори малакали тиббий таълимни ташкил этишнинг асосий шарты — бу замонавий юқори технологик клиник базаларда ўқитиш, бунинг учун Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЭИМ) ва академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (РИХИАТМ) танланган.

**Меҳмонлар клиник базалар сифатида танланган ушбу тиббиёт муассасаларига ҳам ташриф буюришди**

Эслагиб ўтамиз, университет филиалини жойлаштириш учун таълим фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бинолар мажмуасига эга бўлган ва белгиланган клиник базалар яқинида жойлашган Чилонзор тиббиёт коллежи танланган.



Филиал бинolari ва иншоотларини реконструкция қилиш (қуриш) ҳамда ўқув ва симуляция ускуналари билан жиҳозлаш билан бир қаторда Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази ва академик В. Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказини ҳам юқори малакали шифокорларни тайёрлаш учун зарур бўлган замонавий тиббиёт юқори технологик ускуналари билан жиҳозлаш режалаштирилган. Лойиҳани амалга ошириш натижасида РШТЭИМ, академик В. Вохидов номидаги РИХИАТМ Россия университетининг филиали билан бирга-

ликда Ўзбекистоннинг етакчи консултив, тиббий (кейинчалик илмий) ва ўқув марказларига айланади. Талабаларни ординатура (кейинчалик аспирантура)га ўқишга қабул қилиш мамлакатимиздаги тиббиёт олий ўқув юртлари битирувчилари ўртасида танлов эълон қилиш йўли билан амалга оширилади. Университет филиалининг профессор-ўқитувчилар таркиби Россия университети ходимлари, мамлакатимиз мутахассислари ва келажакда филиалнинг энг яхши битирувчиларидан шакллантирилади. Тошкент шаҳрида Н.И. Пирогов номидаги Россия миллий илмий-текшириш тиббиёт уни-

верситетининг филиали очилгандан икки йил ўтиб, Ўзбекистон ординаторларнинг биринчи битирувчиларига эга бўлади. Натижада, бутун мамлакат бўйлаб аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ва тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сифатининг ҳам ошиши ҳамда замонавий даволаш усулларини тизимга тезроқ жорий этилишига эришилади. Делегация аъзолари юртимиздаги ҳамкасblари билан ушбу йўналишда ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни батафсил муҳокама қилиб олдилар.

**Онкогематология соҳасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди**

Жорий йилнинг 14 май куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт марказига ташриф буюриб, даволанаётган болалар ва уларнинг оналари билан суҳбатлашганди.

Шифохона учун янги бино барпо этиш, унда Россиянинг Д. Рогачёв номидаги болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси Миллий тиббий тадқиқот маркази тажрибаси асосида болалар онкогематологияси маркази ташкил қилиш бўйича кўрсатмалар берилган эди.

Шунга кўра, жорий йилнинг 27 май куни Президентимизнинг “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, гематология ва онкология марказлари илгор хорижий тиббиёт муассасаларининг тажрибаси асосида барпо этилган замонавий бино-иншоотларга кўчирилдиган бўлди. Хусусан, Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиббиёт



маркази Чилонзор тумани Арнасой кўчасидаги замонавий биноларга жойлаштирилади. 2021 йил 1 сентябрга қадар янги бинода Россиянинг Д. Рогачёв номидаги болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси Миллий

тиббий тадқиқот маркази тажрибаси асосида жаррохлик, интенсив терапия, трансфузиология ва трансплантология, радио диагностика, бактериологик лабо-

ратория, махсус овқат тайёрлаш бўлимлари ҳамда болалар учун таълим олиш марказлари ташкил этилади Делегация аъзолари Чилонзор тумани Арнасой кўчасида Республика ихтисослаштирилган гематология илмий-амалий тиб-



биёт маркази учун ажратилган замонавий бинода ҳам бўлиши. Юртимиз Соғлиқни сақлаш вазирлиги вакиллари делегация аъзолари билан ушбу йўналишда амалга ошириладиган вазифаларни муҳокама қилиб олди. Жумладан, Россиянинг етакчи марказлари, хусусан, Д. Рогачёв номидаги болалар гематологияси, онкологияси ва иммунологияси миллий тиббий тадқиқот маркази, Гематология миллий тиббий тадқиқот маркази билан гематология ва болалар онкологияси соҳасида илмий ва амалий алоқаларни ўр-

натиш, ушбу муассасаларда мутахассисларимизни ўқитиш масалаларига эътибор қаратилди. Бундан ташқари, Р.М. Горбачева номидаги болалар онкологияси гематологияси ва трансплантологияси илмий-тадқиқот институти билан юртимизда юқори технологик даволаш усулларини жорий этиш, масалан, оғир гематологик ва онкогематологик касаллиги бўлган беморларда гемопоэтик ўзак хужайраларини кўчириб ўтказиш каби лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида илмий алоқалар ўрнатиш режалаштирилган.

1, 4 ва 5-саҳифалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги матбуот хизмати материаллари асосида тайёрланди.

## Долзарб мавзу

ТАЗЙИҚ ВА ЗЎРАВОНЛИКДА  
ЖАЗО МУҚАРРАР

“Мен умрим мобайнида оилам, бола-чакам деб яшадим. Қурбим етганича уларнинг барча эҳтиёжларини қоплаш ва орзу-истакларини рўёбга чиқаришга ҳаракат қилдим. Албатта, бу менинг оталик бурчим эди. Лекин бугунга келиб кексайиб қолганимда ўзим шу оиланга сизмай қолдим. Мен эшитмаган ҳақорат, мен кўрмаган тазйиқ қолмади”...

Афсуски бугунги кунда гоҳ ижтимоий тармоқларда, гоҳ иш фаолиятимиз мобайнида ҳам ана шундай ҳолатлардан азият чекаётганларга тез-тез дуч келадиган бўлиб қолдик. Нега?.. Табиийки, бундай жараёнлар ҳар қандай кишини ўйлан-тириб қўяди. Наҳотки бунинг халқимиз, миллатимиз маънавияти учун ниҳоятда оғриқли ҳол эканлигини яхши англамай-миз...

Масалала ҳуқуқий томондан ёндашадиган бўлсак, 1948 йилда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси”нинг 1-моддасида “Ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилдилар. Уларга ақл ва виждон ато қилинган, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари керак”лиги белгилаб қўйилган.

Шу ўринда ҳақоратлаш, зўрлаш, қийнаш, руҳий жиҳатдан азоб бериш, жисмоний

аёлни жинсий алоқа қилишга мажбур этиш (121-модда), вояга етмаган, шунингдек, меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (122-модда), ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (123-модда), никоҳ ёши тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш (1251-модда), тиланчилик қилиш (1271-модда), одам савдоси (135-модда), аёлни эрга тегишга мажбур қилиш ёки унинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш (136-модда), зўрлик ишлатиб ғайриқонуний равишда озодликдан маҳрум қилиш (138-модда) каби моддаларида назарда тутилган жиноий

нинг ижтимоий-сиёсий, социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ҳамда имкониятларини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш, ҳуқуқий, шу билан бирга қонуний манфаатларига сўзсиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бундан ташқари, оила институтини мустаҳкамлаш ишларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эъти-



олиш борасида кенг тушунчалар бериб борилмоқда. Мавзуга доир ҳолатлар аниқланганда, қонунда белгиланган тегишли тартиблар асосида чоралар кўриб келинмоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорига асосан, тазйиқ ва зўравонликдан жабрланган хотин-қизларга ҳимоя ордени бериш йўлга қўйилган.

## Маълумот ўрнида:

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказайтган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

## Маълумот ўрнида:

Ҳимоя ордери — тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчига давлат ҳимоясини тақдим этувчи, хотин-қизларга тазйиқ ўтказайтган ёки уларга нисбатан зўравонлик содир этган шахсга ёхуд бир гуруҳ шахсларга нисбатан ушбу Қонунда белгиланган таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилишига сабаб бўладиган ҳужжат.

ги хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид фаолиятлар тамомила янги босқичга олиб чиқилди. Агар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра, бутун дунёда ҳар учинчи аёл ҳаёти давомида у ёки бу турдаги зўравонликка дуч келишини инobatга олсак, давлатимиз ҳамда ҳукуматимиз томонидан ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмаслигини тушуниш у қадар қийин эмас, албатта.

Шундан келиб чиққан ҳолда Тошкент туманлараро маъмурий судининг раиси ҳамда судьялари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳрида мавжуд маҳалла фуқаролар йиғинларида сайёр учрашувлар ўтказилиб, “Аёллар дафтари”га киритилган жами 204 нафар хотин-қизларга ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ва уларнинг мавжуд муаммоларини қонунда белгиланган тартибда ҳал этиш механизмлари тўғрисида таклифлар берилди. Шунингдек, фаолият давомида аҳолининг кенг қатламига жинсий, жисмоний, иқтисодий, руҳий тазйиқ ва зўравонликлар, улардан ҳимояланиш ҳамда бундай ҳолатларнинг олдини

## Шунингдек:

Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни яқин қариндошлар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқ-тарғибот органларига ариза билан мурожаат қилади. Ҳудудий профилактика инспектори жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат мuddатда ордери бериш масаласи ҳал қилинади.

## Эътибор беринг:

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишига бўлган ҳуқуқни, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, жамиятдаги ҳар қандай иллатга қарши курашни, аввало, оиладан бошлаш зарур. Зеро, оила аталмиш муқаддас кўрғонда ким қандай тарбия топса, ватан, миллат, юрт равнақи ҳам аини шундай нигоҳ билан боқиши аллақачон ҳаётимизда ўз исботини топиб бўлган.

Ғолиб ДАВЛАТОВ,  
Тошкент туманлараро маъмурий суди раиси,  
Баҳодир ХОЛМОНОВ,  
судья,  
Нодир МАХМАРАСУЛОВ,  
судья ёрдамчиси.

## Далил:

Тазйиқ ва зўравонликдан жабр кўрган аёл ёки бу ҳақида хабардор бўлган учинчи шахс (қўшни яқин қариндошлар) яшаш ҳудудидаги ҳуқуқ-тарғибот органларига ариза билан мурожаат қилади. Ҳудудий профилактика инспектори жабрдийданинг яшаш шароитини ўрганиб чиқиб, 24 соат мuddатда ордери бериш масаласи ҳал қилинади.

куч ишлатиш каби ҳолатлар зўравонликнинг асосий кўринишлари сифатида баҳоланади. Агар оила аъзоларидан бири оила аъзосининг бошқа вакилига нисбатан тазйиқ ўтказса бу оилавий зўравонлик деб тушунилади. Мазкур омиллар оилани парокандаликка олиб келувчи салбий иллатлар ҳисобланади. Шу боис, бундай ҳолатларни ҳеч қандай шароитда на қонун олдидан ва на инсонийлик фазилатлари мисолида оқлаб бўлмайди. Айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қасддан одам ўлдириш (97-модда), ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш (103-модда), ўзини ўзи ўлдиришга ундаш (1031-модда), қасддан баданга оғир (104-модда), ўртача оғир (105-модда) ҳамда енгил шикаст етказиш (109-модда), қийнаш (110-модда), ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш (112-модда), аёлни ўз хомилисини сунъий равишда туширишга мажбурлаш (115-модда), номусга тегиш (118-модда),

## Эътибор беринг:

Иқтисодий зўравонлик — хотин-қизларга нисбатан турмушда, иш жойларида ва бошқа жойларда амалга оширилган зўравонлик шакли, хотин-қизларнинг нормал яшаш ва камол топиш учун озик-овқат, уй-жой ҳамда бошқа зарур шарт-шароитлар билан таъминланишига бўлган ҳуқуқни, мулк ҳуқуқини, таълим олиш ҳамда меҳнатга оид ҳуқуқини амалга оширишни чеклашга олиб келадиган ҳаракат (ҳаракатсизлик).

ишларга йўл қўйган ва содир этган шахсларга нисбатан тегишли тартибда жавобгарлик чораларини кўриш масаласи назарда тутилган.

Одатда ушбу жараёнларнинг суд ва ҳуқуқ-тартиот органлари томонидан кўриб чиқилиши масаланинг сўнгги босқичларига тўғри келади. Аслини олганда бундай вазиятларга чек қўйиш ёки уларнинг олдини олиш жамиятдаги барча мутасадди ташкилотлар, ўз ўрнида ҳар бир фуқаронинг масъулияти ҳисобланади. Хўш бу борада мамлакатимизда қандай ишлар амалга оширилмоқда? Айтиш муҳимки, сўнгги йилларда республикада хотин-қизлар-

бор қаратилмоқда ва бу борадаги тизимли фаолиятлар кенг кўламда амалга оширилмоқда. Хусусан, Бош Қомусимизнинг 44-моддасида аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилганлиги уларнинг тенг ҳуқуқлар асосида илм

олиш, касб эгаллаш, меҳнат қилиш, хизмат пиллапояларидан кўтарилиш, ижтимоий-сиёсий ва маданий соҳаларда эркин фаолият кўрсатишига имконият беради. Қолаверса, Юртбошимиз томонидан 2019 йил 2 сентябрда “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 561-сон Ўзбекистон республикасининг қонуни имзолангани ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 январда қабул қилинган “Хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2-сон қарорига асосан, “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали юртимизда-



## Орамиздаги одамлар

## ДУНЁДА ЯХШИЛИК ҲУКМРОН ВА У АБАДИЙДИР...

Ҳаёт бамисоли денгиз. У баъзан сокин бўлади, бошқа онлари эса унда шамоллар, довуллар натижаси тинч, бир -текис мавжлана олмайди. Ҳа, ҳаёт ана шундай! Яна бир томони, унда яхшилик ва ёмонлик ёнма-ён юради. Шу боис, инсон ҳаётида оқ ва қора кунлар бўлади.

Ёмонлик ўз йўлига. Ушбу оқ коғозни кўлимга олиб қоралашимга яхшилик, эзгу ишлар қилувчи инсонлар ёхуд доимо бировларга яхшилик соғиниб яшовчиларнинг айримлари ҳақида фикр юритмокчи эдим. Айримлар дейишимнинг сабаби яхшилик қилувчи инсонлар уларгина эмас, уларнинг сони жуда кўпчиликни ташкил этади, фақат биз бу ҳақда кам тафаккур қиламиз ҳамда ёмонлар кўп, деб нолиганимиз-нолиган. Мен эзгуликни бир нурга таққослайман ва яхшилик қилувчиларнинг юзларида ҳам қандайдир нур, илиқлик мужассам. Ана шундай инсонлардан бири бўлган, Махмудахон Нишонова Ҳозир орамизда яшайди, ҳамиша жонбозлик қилиб, оламларга меҳр улашиб юрвчи бу аёл Ангрэн шаҳар "Истиклол" маҳалласида маслаҳатчи бўлиб фаолият олиб бормоқда. У аёлни кўп йиллардан бери кузатаман. Махмуда опанинг битта ёмон

жиҳати борки, киши у билан бафуржа ўтириб суҳбатлаша олмайди, илик гапларини эшитиб, дилдан мириқиб муомала қилиш ҳар доим ҳам насиб қилавермайди. Ширинзабон бу жонкуяр инсон ҳар сафар шошилгани-шошилган. Ҳали юмушлар билан у ёққа югуради, ҳали бу ёққа чопади, яъни кишиларнинг оғирини енгил қилиш учун тиним билмайди.

Эргалабдан хонадонларни айланади, улгурганича аҳоли уйларига бирма-бир кириб, ҳол-аҳвол сўраб чиқади, кимнинг қанақа ташвиши бор, қанақа муаммо қийнапти, буларни билишга интилади, чораларини кўлидан келгунча излайди, ёрдам беришга ошиқади. Яқинда эса ўз маҳалласида истиқомат қилувчи Хафиза Бекзодова деган аёлнинг уйини ремонт қилдириб берди. Хафиза опанинг қувончи чексиз. Ахир анча йиллардан буён уйини таъмирлай олмаётган эди-да. Бир

томони соғлиги туфайли бўлса, яна бошқа томондан ёлғизлиги, боқувчиси йўқлиги. Хуллас, энди Хафиза опа маҳалла раиси Рахмонали ака Жўраев ёқимтойгина котиба қиз Камола Тоғаева, қолаверса, савобталаб тадбиркор Латифжон Нурматовдан бир умрга миннатдор. Ўз ҳаёти яхши томонга ўзгариб, уйи янги бўлиб қолганидан қувончи ичига сиймайди. Соғайсам ўз соҳамга қайтаман, ишлайман, кўпроқ пул топиб, мен ҳам инсонларга яхшилик қиламан, эҳсонлар тарқатаман, дейди тўлқинланиб, яхши ниятда.

Энди Махмуда опага қайтсак, муаммоларни ёлғиз ўзи ечмайди. Ёнидаги хушрўйгина котиба қиз опанинг доимий ҳамроҳи. Оилаларда баъзан жанжалли воқеалар, каттарок муаммолар ҳам учраб қолганида раис Рахмонали ака ўша жойда бўлиб келишмовчиликларни бартараф этади, томонларни яраштиради. Раис бунақа ишларга жуда уста, сабаби пенсияга чиқишидан олдин жуда кўп йиллар ички ишлар органлари сафида хизмат қилган, шу боис етарли тажрибага эга. Маҳалла ҳудудида 11 нафар но-



гиронлар истиқомат қилишади. Уларнинг ҳам ҳолидан доимо хабар олиб туришади. Бундан ташқари, 2-гурух ногирони Рубова Анастасияга 900 000 сўм электр-энергия қарздорлиги тўланиб, чироғи ёқиб қўйилди, шунингдек, Марям Ботиржоновага ҳомийлик ёрдами сифати-

да 1 миллион пул маблағи ўтказилди. Эҳтимол, юқоридаги сатрларни ўқиган кимдир маҳаллада ишлаганидан кейин қилади-да, дейиши мумкин. Лекин шунчаки ишлаш бошқа, халқ гами билан ишлаш бошқа. Бугунги даврнинг талаби ҳам ана шундай.

**Айтмоқчи, дунё олимлари текширув-тадқиқотлар олиб бориб, шундай хулосага келишганки, инсон фикрлари маълум бир фазилатга эга. Яна шуниси аниқланганки, яхши фикрловчи, доим яхшиликни ўйлаб юрвчиларнинг фазилатлари, ёмон уйларни фикрлайдиганларникидан 100 баравар кучли экан. Ҳа, яхшилик устун бўлган бу дунёда ёмонлик янчилаверади. Ахир дунёда яхшилик ҳукмрон ва у абадий...**


Зулфия АМИНОВА.

## Увлечения современных детей

## НУЖНО ЛИ ВЫТАСКИВАТЬ ДЕТЕЙ ИЗ СОЦСЕТЕЙ?

Увлечение компьютерными играми сменило новое занятие — дети сидят в ТикТоке и часами смотрят видео на Ютубе.

Что делать, если ребёнок каждую свободную минуту «залипает» в экране?



## Лёгкое удовольствие

«Соцсети, в частности ТикТок, — это доступное удовольствие, — объясняет старший научный сотрудник лаборатории когнитивных исследований Института общественных наук РАНХиГС, кандидат психологических наук Кирилл Хломов. — Это приложение в принципе делает с детьми то же самое, что и другие социальные сети со взрослыми, многие из которых также часами просиживают в Инстаграме и Фейсбуке. Смысл таких продуктов — задержать интерес и внимание человека.

Каковы масштабы увлечения детей интернетом? Недавно МГУ провёл соответствующее исследование. Вот некоторые выводы. 70% школьников 9–10 лет и 90% школьников 13 лет пользуются интернетом бесконтрольно — когда рядом нет родителей, учителей. И 30% подростков проводят в интернете

по 8–9 часов в сутки. 23% были жертвами травли в интернете, 46% детей сталкивались с информацией, несущей угрозу их здоровью или пропагандирующей насилие. Лишь 20–24% родителей проверяют, что дети делают в интернете. Ещё меньше используют фильтры и блокировки на просмотр конкретного содержания.

## Как вытаскивать ребёнка из гаджета?

Просто запреты здесь не помогут. «Если у ребёнка, который значительное время проводит в ТикТоке, вдруг отнять телефон, у него будет ощущение, что его лишили большей части удовольствия. Понятно, что ребёнок станет раздражённым, злым, агрессивным», — предупреждает К. Хломов.

Есть разные варианты обеспечить контроль. Можно ввести настройки в само приложение (в ТикТоке есть функция «Семей-

ные настройки»), можно отключить Wi-Fi на домашнем роутере либо разрешать пользоваться смартфоном только определённое время. Общая рекомендация — ограничения вводить не резко, а плавно.

А дальше нужно предлагать альтернативы для освободившегося времени. «Взрослым надо быть готовым вынуть из своей жизни ровно то время, которое раньше ребёнок проводил в телефоне, — чтобы заниматься или общаться с детьми, — напоминает психолог. — Потому что никто другой это делать бесплатно не будет. С точки зрения здоровья и перспективы я бы советовал заменить соцсети физическим, двигательным удовольствием. Необязательно это должна быть профессиональная спортивная секция». Есть много активных занятий на улице, скажем, обучение катанию на роликах, скейтах и т. д.

## Когда бегут в соцсети?

Просмотр и выкладывание роликов в ТикТок (как пошёл в школу, покормил кота, выучил танец или, извините, сходил в туалет) — это тоже форма общения. «Если у ребёнка в реальной жизни нет или недостаточно равноправного, принимающего, поддерживающего общения, то он с большой вероятностью будет сбегать в соцсети — чтобы удовлетворить там те же потребности, — говорит доцент кафедры детской и семейной психотерапии МГППУ и департамента психологии ВШЭ, семейный психотерапевт Елена Чеботарёва. — Те, кто сам снимает и выкладывает видео, хотя бы таким способом получают признание и «лайки».

Родители же поучают, контро-

лируют. С обеих сторон накапливаются взаимные претензии, и дети сторонятся родителей, потому что только приоткроешься — сразу тебе каких-нибудь замечаний накидают. Родителей понять можно — у них своя тревога. А ребёнок находит альтернативные варианты поддержки. Тем более что в виртуальном мире всё проще. Легко войти в контакт, легко выйти из контакта, и нет никаких обязательств».

Отсюда рецепт — предлагать ребёнку живое интересное общение в соответствии с возрастом. «Если родители позовут в цирк, маленький ребёнок наверняка не откажется. Подарок можно купить билеты на концерт любимой группы, интерактивную выставку, — считает семейный психотерапевт. — Поощряйте ребёнка чаще проводить время в живой компании, ходить с друзьями в кино, на квесты, фестивали. Ищите, что ему интересно. Чтобы узнать это, можно иногда и ТикТок вместе с ним посмотреть».

## Спросить себя

Родителям, обеспокоенным зависанием ребёнка в ТикТоке, надо начинать с себя, считает заведомо Центра развития стратегии образования МГУ им. Ломоносова, кандидат педагогических наук Константин Зискин. «Следует задуматься: что надо ему, родителю, изменить в себе,

своём поведении и отношениях с ребёнком, чтобы эта ситуация изменилась? — уверен педагог. — Это принципиальный вопрос: прежде чем откуда-то куда-то вытаскивать, надо очень чётко понять — зачем.

Во-первых, о времени зависания. Как считать? Например, 10 минут — много или мало? А 2 часа? 6 часов?

Во-вторых, надо разобраться, что ребёнок смотрит — котиков, собачек или видео про самоубийц.

Третий вопрос — насколько такие видео влияют на поведение. Например, один начал смотреть ТикТок — потом пошёл воровать в магазине. А другой так увлёкся, что записался в кружок по разработке дронов».

Пока даже на первый вопрос, сколько времени ребёнок может безопасно проводить перед экраном монитора, нет однозначного ответа. Данные учёных и врачей разнятся. К примеру, есть рекомендации Роспотребнадзора, где эта цифра для подростков суммарно в день не больше 4 часов, а для младших школьников — 2 часа. Проверить, сколько часов ребёнок проводит в интернете, несложно. В современных смартфонах есть возможность узнать время пользования приложением. Но почему именно такие нормы взяты?

**«Когда мы начнём разбираться с этим вопросом, может оказаться, что вообще никакой проблемы нет, — заключает эксперт. — По аналогии — как загнать ребёнка с улицы домой? А может быть, вообще не надо загонять. Подождите 15 минут, и он сам придёт. То же самое с ТикТок: а может, это просто такой период, в который дети ведут себя вот так. Представления родителей о мироустройстве не совпадают с реальностью мироустройства».**

Юлия БОРТА, Aif.ru.

## Сўраган эдингиз

ОИЛАВИЙ ШИФОКОР ПУНКТИ МУДИРИ ЎРИНДОШЛИК АСОСИДА  
ШИФОКОР СИФАТИДА ИШЛАШИ МУМКИНМИ?

– Мен оилавий шифокор пункти мудирини бўлиб узок вақтлардан буён ишлаб келаман. Олий тоифали шифокорман, 25 йиллик тажрибам бор. Мен раҳбарлик қилаётган оилавий шифокор пункти чекка ҳудудда жойлашганлиги учун, табиийки, мутахассислар етишмайди. Шу сабабдан анчадан бери вақант бўлиб турган оилавий шифокор иш ўрнида ички ўриндошлик асосида ишлаб келаман.

Лекин яқинда ишхонамизда текширув ўтказган назорат органи ходимлари мен Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га зид равишда ишлаб келганлигимни, олган ойлигимни қайтаришим шартлигини, ҳаттоки менга нисбатан жиноят иши қўзғатилиши мумкинлигини айтишди. Шу тўғрими?

– Бундай муаммолар республикамиз ҳудудидаги айрим бошқа даволаш-профилактика муассасаларида ҳам учраб туради. Лекин назорат органининг бу эътирозлари ҳеч қандай қонуний асосга эга эмас. Ва улар томонидан йўл қўйилмаган бу камчилик қонун ҳужжатлари талабларини чуқур таҳлил қилмаслик оқибатида келиб чиқади, деб айта оламиз. Ҳақиқатан ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарори билан тасдиқланган Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда

ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 26-бандига кўра давлат бошқаруви органлари ҳисобланмайдиган бюджет ташкилотларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек, ушбу ташкилотлар таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари бир неча касб ва лавозим асосида ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга йўл қўйилмайди. Лекин Низомнинг айнан шу бандига қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно эканлиги белгилаб қўйилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида Низомнинг 16-бандига эса соғлиқни сақлаш муассасаларининг таркибий бўлинмаларига мудирлик қилганлик учун врачларга қўшимча тўловлар белгиланиши мумкинлиги кўрсатилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2008

йил 18 мартдаги 48-сон қарори билан тасдиқланган Туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисидаги Низомнинг 10-бандига кўра туманлар ёки шаҳарларда шошлинч тиббий ёрдам бўлимига эга бўлган марказий туман ва шаҳар касалхонаси, ногиронларга, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлимига эга бўлган кўп тармоқли марказий туман ёки шаҳар поликлиникаси, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, диспансерлар, акушерлик комплекслари, ихтисослаштирилган касалхоналар бирлашманинг асосий таркибий бўлинмалари ҳисобланади.

Бу эса Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 18 октябрдаги 297-сон қарорида белгиланган бир неча касб ва лавозим асосида ишлашга, хизмат кўрсатиш зонасини кенгайтиришга, ишлар ҳажмини кўпайтиришга қўйилган таққ марказий туман ёки шаҳар касалхонаси, ногиронларга, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш

Ходимларимиз фаолиятида шу мазмундаги муаммолар юзага келаётган бўлиб, уларни жойида ҳал этишнинг имкони бўлмаса, тўғридан-тўғри Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Юридик бошқармасига (телефон 71-239-46-10) мурожаат этишлари мумкин. Уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш таъминланади.

Руслан МУҲАММАДИЕВ,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги Юридик бошқармаси бошлиғи



бўлимига эга бўлган кўп тармоқли марказий туман ёки шаҳар поликлиникаси, оилавий шифокор пунктлари, оилавий поликлиникалар, диспансерлар, акушерлик комплекслари, ихтисослаштирилган касалхоналарга раҳбарлик қилаётган тиббиёт ходимларига тааллуқли эмаслигини аниқлатади.

## Имконият

НОДАВЛАТ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИГА ИШГА ҚАБУЛ  
ҚИЛИШ ТАРТИБИ ЎЗГАРДИ

Президентимизнинг шу йил май ойидаги “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига кўра, 2021 йил 1 июлдан бошлаб иш стажини беш йил бўлмаган олий маълумотли тиббиёт ходимларини нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ талаблар давлат тиббиёт муассасаларига тенглаштирилади.

Бу қарорнинг нодавлат тиббиёт ташкилотларига ишга қабул қилиш билан боғлиқ 12-банди тиббиёт соҳасида кадрлар бандлигини таъминлаш ва тиббиёт олий ўқув юрғлари битирувчиларининг меҳнат бозоридаги

танлов имкониятини ошириш бўйича катта қадам бўлди. — Аввал нодавлат тиббиёт муассасаларига ишга кириш учун шифокорда малака тоифаси бўлиши талаб этиларди. Бунинг учун камида 5 йил тиббий фао-

лият билан шуғулланиш лозим эди. Бундан ўз-ўзидан кўринадики, олий ўқув юрғини энди тугатган ёш мутахассис хусусий шифохонада иш бошлаш олмади. Давлат тиббиёт муассасаларининг штатлар имконияти ҳам барча битирувчиларни иш билан таъминлашда қийинчилик туғдирар эди. 2021 йил 1 июлдан ушбу мураккабликларга чек қўйилмаган бўлди. Яъни нодавлат тиббиёт муассасаси бирор ёш мутахассиснинг билим ва малакасига ишонч билдириб, уни иш билан таъминламоқчи бўлса, улардан малака тоифаси талаб қилинмайди. Мутахассис иш бошлаганидан сўнг, вақти келганида шу иш жойида ишлаб туриб ҳам ма-

лака тоифасини олиши мумкин. Хуллас, энди тиббиёт муассасасининг мулкчилик шакли ёш мутахассисларни ишга қабул қилишга тўсик бўла олмади.

Эслатиб ўтамиз, Президентимизнинг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлаш тизимининг хусусий секторида янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, хусусий тиббиёт ташкилотлари қарийиб 130 йўналишдаги тиббий ихтисосликлар бўйича лицензия олишлари имкон яратилди. Бундан аввал улар атиги 50 турдаги тиббий хизмат кўрсатиш ҳуқуқига эга эди. Айни пайтда мамлакатимизда 6,5 мингдан зи-

ёд хусусий тиббиёт муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Шунингдек, “Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарорига Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида нодавлат тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этишда бино ва иншоотларга белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларини халқаро стандартлардан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш белгиланди.

Фарход РАҲИМКҲУЛОВ,  
Соғлиқни сақлаш вазирлиги  
Лицензиялаш  
ва аккредитациялаш  
бошқармаси бошлиғи.

Газета  
муассиси:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Соғлиқни  
сақлаш  
вазирлиги

Бош муҳаррир  
Баҳодир ЮСУПАЛИЕВ  
Бош муҳаррир ўринбосари  
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O'zbekistonda sog'liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Таҳририятга келган кўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри,  
Истикбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.  
Тел/факс: (0371) 233-13-22, тел.: (0371)  
233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси  
Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг  
11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома  
рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят  
компьютер марказида  
терилди ва саҳифаланди.

Адади 796 нусха.  
Буюртма Г-640

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида  
чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.  
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи: Нарзулла Ҳамроев

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.